

Барча ҳаракатларимиз аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисодиётимизни ривожлантиришга қаратилган

// 13 mart 2019 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/about-us/barcha-harakatlarimiz-aholini-ish-bilan-taminlash-iqtisodiy-otimizni-rivozhlantirishga-qaratilgan>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12 март куни Навоий вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари барча ҳудудлар каби Навоий вилоятига ҳам бир неча бор ташриф буюриб, иқтисодиёт тармоқларини кенгайтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш масаласига доимий эътибор қаратиб келмоқда. 2017 ва 2018 йиллардаги ташрифлар чоғида белгиланган чоратadbirlar натижасида вилоятда кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Президентимиз "Навоийазот" акциядорлик жамиятига борди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи ушбу корхонада учта йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шавкат Мирзиёев 2018 йилда мазкур корхонада бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари билан танишган ва уларни ўз вақтида, сифатли якунлаш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берган эди.

Маълумки, "Навоийазот" корхонаси 1964 йилда ишга туширилган. Бу ерда қишлоқ хўжалиги, нефть-газ тармоғи, энергетика ва тоғ-кон саноати эҳтиёжи учун 70 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Вақт ўтиши билан технологик ускуна ҳамда қурилмалар жисмонан ва маънан эскирди, кўп миқдорда электр энергияси ва бошқа табиий ресурсларни сарф қилиш эвазига маҳсулот ишлаб чиқариб келинаётган эди. Шу боис, корхонада босқичма-босқич модернизация ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда жамият ҳудудида учта йирик инвестиция лойиҳаси – Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол, Аммиак ва карбамид ҳамда Азот кислотаси ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши қизғин давом этмоқда. Бунёд этилаётган ушбу корхоналарга замонавий, тежамкор технологик ускуналар ўрнатилади.

Поливинилхлорид электр ўтказгич ва кабелларни изоляция қилиш, листлар, қувурлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Шунингдек, кийим ва аксессуарлар ишлаб чиқаришда ундан кенг фойдаланилади. Ювиладиган гулқоғозлар намиқмаслиги учун ПВХдан тайёрланган плёнка билан қопланади. Бу маҳсулот бошқа кўплаб соҳаларда ҳам қўлланилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу янги объектлардаги бунёдкорлик ишлари билан танишди, қурувчилар, хорижлик инвесторлар билан мулоқот қилди.

Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш лойиҳасининг умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошади. Қурилишни Хитойнинг "China CAMC Engineering CO. LTD" ва "HQC (Shanghai)" компаниялари консорциуми ҳамда юртимиз мутахассислари амалга оширмоқда.

Корхона фойдаланишга топширилгач, йилига 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол тайёрланади. 900 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Маҳсулотнинг 50 фоиздан ортиғи экспорт қилинади. Корхонани жорий йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

"Навоийазот" акциядорлик жамиятининг мавжуд энергия сарфи юқори бўлган аммиак ишлаб чиқариш 1-2-навбатлари эксплуатациядан чиқарилмоқда. Хусусан, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 985 миллион доллардан зиёд бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. Қурилиш ишлари якунлангач, бу ерда йилига 660 минг тонна аммиак, шунингдек, 577,5 минг тонна карбамид олиш, улардан тайёрланадиган минерал ўғитлар турини ошириш имконияти пайдо бўлади. 500 га яқин иш ўрни яратилади.

Япониялик ҳамкорлар – "Mitsubishi Heavy Industries, Ltd" ва "Mitsubishi Corporation" компаниялари билан биргаликда барпо этилаётган мажмуани 2020 йилда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Акциядорлик жамиятининг азот ишлаб чиқариш бўйича эски 1-2- навбатлари ҳам эксплуатациядан чиқарилмоқда. Яъни бу ерда жорий йил яна бир лойиҳа – азот кислотаси ишлаб чиқариш мажмуаси қурилишини ниҳоясига етказиш режалаштирилган. 216,6 миллион АҚШ долларига тенг бу ишлаб чиқариш объекти Швейцариянинг "CASALE SA" компанияси томонидан бунёд этилмоқда. Бу ерда йилига 500 минг тонна маҳсулот тайёрлаш мумкин бўлади, 120 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Бугунги кунда бу ерда ўрнатиладиган замонавий ускуналарни бошқариш учун юртимиздаги олий таълим муассасаларида муҳандис-технолог, механик, энергетик, иқтисодчи ва дастурчилар тайёрланяпти. Мутахассислар мамлакатимиз ва хориждаги корхоналарда малака оширмоқда.

Президентимиз замонавий энергия тежамкор технологиялар билан жиҳозланадиган мажмуаларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, таннархини тушириш, рақобатбардошликни таъминлаш муҳим омил бўлишини қайд этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу каби замонавий корхоналарни барпо этишга нафақат минтақа мамлакатлари, балки унча-мунча ривожланган давлатлар ҳам журъат этолмайди. Барпо этилаётган ушбу корхоналар кўплаб иш ўрни яратилиши билан бирга, мамлакатимиз иқтисодий ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Навоий вилоятида мамлакатимиз эҳтиёжи учун жуда муҳим бўлган йирик корхоналар бунёд этаяпмиз. Энг замонавий ускуналар ўрнатиладиган бу корхоналарда ишлайдиган кадрлар ҳам шунга муносиб бўлиши керак. Бунинг учун мамлакатимизда жаҳон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассислар тайёрлашнинг изчил тизимини йўлга қўйиш, ёшларни хорижда ўқитиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Навоий вилоятида мамлакатимизнинг Америка Қўшма Штатлари, Бирлашган Араб Амирликлари ва Украинадаги элчихоналари кўмагида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдироти ўтказилди. Президентга вилоятда саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва бошқа тармоқларда бажарилиши кўзда тутилган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Манба: ЎЗА